

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ОТАДЕК УЛУҒ, ОНАДЕК МЎЎТАБАР

Инсон Ватани билан тирик. Ватан туйғуси уни эзгуликка, камолотга йўллайди. Бундай эзгу фазилатлар, аввало, оилада, қолаверса, маҳаллада, таълим муассасасида шаклланади. Демак, ёшлар тарбиясига дахлдор маҳаллани инсоний қадриятлар бешигига айлантириш эртанги кун эгалари камолотига пойдевор бўлиши аниқ.

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ўтказилаётган анъанавий "Маҳалла – менинг тақдиримда" кўрик-танлови айнан шу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

### Маҳалла – менинг тақдиримда

Шу кунларда вилоятимиз шаҳар-туманларида "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!" шиори остида ўтаётган танловларда зукко, баркамол ёшларимиз билим ва иқтидорини, халқи, Ватани, маҳалласига меҳр-муҳаббат ва садоқатини намойиш этмоқда. Ўрта Чирчиқ тумани ёшларининг танловдаги ўзига хос чиқишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Туман ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежида йиғилган маҳаллалар фаоллари, халқ таълими вакиллари, "Қамолот"чилару ота-оналарнинг завқ-шавқини оширган ўқувчи-ёшларнинг теран мушоҳадалари эртанги кунга

умид ва ишончни мустаҳкамлади, эзгу амалларга чорлади.

Туманининг 81 маҳалла фуқаролар йиғини орасидан сараланган Ойбек, "Мингтепа", "Сада", "Қутб юлдузи", "Халқобод", "Олти ўғил" маҳаллаларининг ўқувчи-ёшлари беллашар эканлар, танлов шартлари юзасидан астойдил изланганлари, ўқиб-ўрганганлари сезилиб турди.

Ҳар бир иштирокчи маҳалласининг тарихи, номланиши, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишларида маҳалланинг ўрни, маҳалла институтининг ўзига хос жиҳатларига доир саволларга



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

асосли жавоблари, "Маҳалла – менинг тақдиримда" мавзусидаги мазмунли иншолари билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, ҳар томонлама пухта жавоблари учун 1-ўринга муносиб кўрилган "Халқобод" маҳалласи "Келажак" жамоаси аъзо-

ларининг чиқишлари барчага манзур бўлди. 2-, 3-ўринларга сазовор бўлган "Қутб юлдузи" маҳалласининг "Иқболи порлок", "Олти ўғил" маҳалласининг "Мустақил ёшлар" жамоалари, умуман, ҳар бир гуруҳ аъзолари муносиб ишти-

роки учун ташкилотчи-ларнинг диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Эътиборлиси, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилаётган танловларнинг ҳудудий, вилоят ва республика босқичларида фаол иштирок этиб,

ижтимоий-сиёсий дунёқарашларини кенгайтираётган, ўз тақдирини маҳалласи билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис этаётган иқтидорли ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётир.

Сайёра РИХСИЕВА,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

### Учрашув

Бўстонлик тумани ҳокими бир гуруҳ фаол ва ташаббускор ёшлар билан учрашди.

## ҲОКИМГА САВОЛИМИЗ БОР

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ҳокимлик вакиллари, тижорат банклари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, "Ягона ойна" марказлари, таълим муассасалари раҳбарлари, касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда ёш тадбиркорлар иштирок этди.

"Тадбиркор ёшлар – келажак пойдевори!" шиори остида ўтган учрашувда ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини кўзлаб амалга оширилаётган кенг бўламли ишлар юксак самаралар бераятгани, бу борада Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни муҳим дастуриламал бўлаётгани таъкидланди.

Ушбу қонун ижроси доирасида давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очик-ошкоралигини таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қулай ишбилармонлик муҳити яратиш ва турмушини янада яхшилашга қаратилган ишлар алоҳида эътироф этилди.

Учрашувда ёшлар учун ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашларида кўмаклашиш, молиявий қўллаб-қувватлаш, бизнес юритиш ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш хусусида фикр-мулоҳаза алмашилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари ҳамда одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

### Комиссия йиғилиши

Унда вилоятнинг туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳудудда одам савдосига қарши курашиш, вояга етмаганлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали ишлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида олиб борилаётган ишларга беvosита алоқадор идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. Иноятوف ва бошқалар мамлакатимизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ҳамда вояга етмаган-

лар ўртасида маънавий тарбияни кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали ишлар амалга оширилаётгани, бунда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Бу борада Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Йиғилишда Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг тегишли фармоишига мувофиқ, вилоятда ўтказилган текширув жараёнлари билан боғлиқ хулосалар атрофлича муҳокама этилди. Мазкур ҳужжатга кўра, комиссиялар томонидан вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим-тарбияси, соғлигини ижтимоий муҳофаза этиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи

мутасадди идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди.

– Вояга етмаганлар ўртасида маънавий тарбияни кучайтириш мақсадида барча таълим муассасалари ўқувчилари иштирокида тарғибот тадбирлари ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Н. Рўзиқулов. – Бу каби тадбирларда 2016 йилнинг

ўтган даврида 230 мингдан зиёд ўқувчи, 4 минг 600 педагог ходим иштирок этди. Ёшларнинг жисмонан соғлом ва маънан баркамол улғайиши ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун таълим муассасаларида ташкил этилган мингдан ортқ спорт тўғрисида 586 мингдан зиёд ўқувчи шуғулланмоқда.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш. Бобоев сўзга чиқди.

Икром АВВАЛБОВ,  
ЎзА мухбири.



Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.

### Муносабат

"Қиз бола палахмон тоши" деган гап бор. Буни бежиз айтилмаганини мен каби қизлик даврида палахмон тоши сингари олисга "отилган", ўзга юртга келин бўлганлар янада яхшироқ ҳис қилади. Тақдир тақозоси билан мамлакатимиз энди мустақилликка эришган 1991 йили Қозоғистон Республикасининг "Чимкент вилояти, Сайрам туманида яшовчи Мирзаахмад исмли ўзбек йигитига турмушга чиқдим. Менга берилган собик совет паспорти туғилиб ўсган жойим – Тошкент вилояти, Янгийўл туманидан рўйхатдан чиқарилиб, Сайрамга қўйилди.

## БАХТИМИЗ БЕКАМ, КЎНГЛИМИЗ ОБОД БЎЛДИ

Қозоғистонда уч йил яшагач, 1994 йили кичик оиламиз билан юртимизга, яъни Янгийўлга доимий яшаш учун келдим. Бу ерда доимий рўйхатга кириш даврида бизга Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома берилди. Бу дастлаб билинмаса-да, кейинчалик, паспорт, фуқаролик билан боғлиқ ҳолатларда қайфиятим тушиши, кўнглим ўқшишига сабаб бўлди. Уша пайтларда мен Ўзбекистонда туғилиб ўсганман, эрта-индин фуқаролик паспортини ҳам оламан, деган ўй таскин берарди. Шу зайлда ойлар, йиллар ўтди. Аммо, фуқароликни олиш

ҳақидаги янгиликдан дарак бўлмади.

Куни кеча газетада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб, унда менинг ҳам исм-шарифим борлигини кўриб, кўзимга ёш қалқди. Ахир, бу хушхабарни мен 23 йил кутдим.

Шундай тинч, обод, фаровон юртнинг чинакам фуқароси бўлиш насиб этганидан қувонмай бўладими?! Шу куни уйимизда байрам бўлди. Оила аъзоларим, қариндош-уруғларнинг хурсандчилигини айт-

майсизми.

Навий бобомиз ёзганлар: "Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай, Олча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай..."

Бугун неча-неча кўнгиллар обод, диллар шод бўлди... Дарҳақиқат, инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Мен сингари 179 нафар инсонни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиб, қанчадан-қанча одамларнинг кўнглига ёруғлик, бахтига бекамлик бахш этган давлатимиз раҳбаридан гоё миннатдорман.

Латофат СИДИҚОВА,  
уй бекаси. Янгийўл тумани.

### КАСБ БАЙРАМИ:

## ИШОНЧ, ЭЪТИБОР, МАСЪУЛИЯТ

8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни этиб белгиланди

1992 йил 8 январь. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида дадил қадам ташлаётган навқирон республикамиз ҳаётида яна бир муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат кучга кирди – Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Ҳа, Ўзбекистон миллий прокуратурасининг ташкил топиши бевосита давлатимиз мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Ватанимиз тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, собиқ Иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилди. Айнан шу сана мустақил республикамиз миллий прокуратураси ташкил топган кун сифатида тарихга кирди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз прокуратура органларининг мақоми ва ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлади. Қонуларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга

оширишдек конституциявий вазифа Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланди. 1992 йил 9 декабрь куни "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан прокуратуранинг ҳақиқий нуфузи таъминланди. Шу тариқа прокуратура ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, ҳаётимизни тубдан янгиллаш жараёنларида қонун устуворлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўринга эга бўлди.

Давоми 2-бетда. ➡

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш мuddатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2017 йилнинг февраль-март ойларида мuddатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Мuddатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш мuddатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

2. Мuddатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2017 йилнинг февраль-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгашининг котиби В. Махмудов зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 21 декабрь

### Эътиром

## «ЭРКИН ВАТАН ЁШИ МЕНИНГ ЁШИМ ҲИСОБИДИР...»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 6 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори юртимизда адабиётга, маънавиятга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди.

... Зар қадрини заргар билади. Аммо, мен бугун сўздаги зар, шеърдаги дур ҳақида сўзлагим келди. Қолаверса, ҳар қандай сўзда ҳам зар, ҳар бир шеърда ҳам дур бўлавермайди.

Ижодкор ким, шоир ким?.. Агар таъбир жоиз бўлса, шоир сўз уммонидаги ғаввос. Ғаввос ҳавас учун уммон тубига тушмайди, тўғрироғи, жондан кечиб дур излайди.

2



# ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилот сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Аввал хабар қилинганидек, Халқ депутатлари вилот Кенгашининг қарорига мувофиқ 2017 йилнинг 15 январь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 34-“Ўзбекистон”, 37-“Қорахитой” ва 44-“Кориз” сайлов округлари бўйича бўлаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилади.

“Халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, вилот сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёргарлик

кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тегишли округ сайлов комиссиялари тузилди ва уларнинг таркиблари тасдиқланди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилот сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти Кенгашларидан бўлаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Вилот сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

“Халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 21, 44-моддаларига мувофиқ, сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг

рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиш навбатига қараб қарорда қўйидаги тартибда қайд этилди: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси.

Вилот сайлов комиссиясининг чора-тадбирлар режасига асосан, эндиликда сиёсий партияларнинг Тошкент вилояти Кенгашлари депутатликка номзодлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим.

## Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилот сайлов комиссияси ҚАРОРИ

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ БЎШАБ ҚОЛГАН 34-“ЎЗБЕКИСТОН”, 37-“ҚОРАХИТОЙ” ВА 44-“КОРИЗ” САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11, 44-моддаларига мувофиқ вилот сайлов комиссияси

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 34-“Ўзбекистон”, 37-“Қорахитой” ва 44-“Кориз” сайлов округлари қуйидаги тартибда тузилсин:

#### 34-“Ўзбекистон” сайлов округи

Маркази – Қуйи Чирчиқ туманидаги 21-Болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси.

Худудий чегараси: Қуйи Чирчиқ туманининг бир қисми: Ўзбекистон, Янги ҳаёт, Тошлоқ, Истиқлол, Тош-овул қишлоқ фуқаролар йиғинлари худуди.

Сайловчилар сони – 33032 нафар.

Сайлов участкалари сони – 20.

#### 37-“Қорахитой” сайлов округи

Маркази – Оҳангарон туманидаги 31-Болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси.

Худудий чегараси: Оҳангарон туманининг бир қисми: Дўстлик, Қорахитой, Озодлик, Увак қишлоқ фуқаролар йиғинлари худуди.

Сайловчилар сони – 30431 нафар.

Сайлов участкалари сони – 19.

#### 44-“Кориз” сайлов округи

Маркази – Пискент хизмат кўрсатиш ва технология касб-хунар коллежи биноси.

Худудий чегараси: Пискент туманининг бир қисми: Кориз, Келовчи, Муротали, Дўнгқўрғон қишлоқлари.

Сайловчилар сони – 30799 нафар.

Сайлов участкалари сони – 11

(1).

Вилот сайлов комиссияси раиси

Тошкент шаҳри, 2016 йил 21 декабрь.

У. АБДУШОХИДОВ

## Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилот сайлов комиссияси ҚАРОРИ

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ БЎШАБ ҚОЛГАН 34-“ЎЗБЕКИСТОН”, 37-“ҚОРАХИТОЙ” ВА 44-“КОРИЗ” САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12, 44-моддаларига мувофиқ вилот сайлов комиссияси

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 34-“Ўзбекистон”, 37-“Қорахитой” ва 44-“Кориз” сайлов округлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги тартибда тузилсин:

#### 34-“Ўзбекистон” округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси: Джалалова Нигора Турсуновна – Қуйи Чирчиқ тумани 33-мактаб директори

Комиссия раиси ўринбосари: Халмуратов Батир Бахтибаевич – Қуйи Чирчиқ транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Комиссия котиби: Ахунжанова Маъмура Эминжановна – Қуйи Чирчиқ тумани 33-мактаб ўқитувчиси

Комиссия аъзолари: Хасанова Юлдуз Набижон кизи – Қуйи Чирчиқ тумани 10-сонли мактабга таълим муассасаси тарбиячиси

Сидиқова Омина Турдалиевна – Қуйи Чирчиқ тумани 34-мактаб ҳўжалик ишлари бўйича мудири

Умирзаков Муртоз Жалолович – Қуйи Чирчиқ тумани “Чинобод” маҳалла фуқаролар йиғини котиби

Маматкулова Назира Дўсбоевна – Қуйи Чирчиқ тумани “Ўзбекистон 5 йиллиги” қишлоқ шифокорлик пункти мудири.

Умарова Дилфуза Шеркуловна – Қуйи Чирчиқ тумани 49-мактаб директори

Утешова Раъно Маҳмадовна – Қуйи Чирчиқ тумани 11-сонли мактабга таълим муассасаси мудири

Ахмедова Шоира Собировна – Қуйи Чирчиқ тумани Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини котиби

Болабоева Махбуба Жумабаева – Қуйи Чирчиқ тумани “Пахтазор” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маъна-

вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Округ сайлов комиссиясининг маънавий-маърифий тарбия бўлими бўлиши

#### 37-“Қорахитой” округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси: Абдусаттаров Шавкат Тохиржонович – Оҳангарон тумани ҳокимлиги худудларни комплекс ривожлантириш йўлга бўлими бошлиғи

Комиссия раиси ўринбосари: Эралиев Ифтихор Юлдашович – Оҳангарон тумани “Қишлоқ қурилиш банк” филиали кредит бўлими бошлиғи

Комиссия котиби: Абдурахманова Шарифа Файратиллаевна – Оҳангарон тумани маънавий тарғибот маркази раҳбари

Комиссия аъзолари: Раимкулова Матлуба Маҳмамовна – Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг Оҳангарон тумани ахборот маслаҳат маркази раҳбари

Юсупов Кабир Ҳусанович – Оҳангарон тумани “Мурувват уйи” директори ўринбосари

Салимова Гулбахор Тўйчиевна – Таълим, фан ва маданият ходимлари касбага уюшмаси Оҳангарон тумани кенгаши раиси

Ҳакимов Маъмур Мусурманович – Оҳангарон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахассиси

Холов Самариддин Нуриддинович – Оҳангарон тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи

Қурбонов Давронбек Ғуломович – Оҳангарон тумани газначилик бўлими бош мутахассиси

#### Округ сайлов комиссияси

Вилот сайлов комиссияси раиси

Тошкент шаҳри, 2016 йил 21 декабрь.

нинг манзили: Оҳангарон тумани, Қорахитой ҚФЙ, “Ўзбекистон” МФЙ, Мактаб кўчаси, 27-уй. Тел.: (95)-196-03-24.

#### 44-“Кориз” сайлов округи: Комиссия раиси:

Азимов Бахтиёр Мамирович – Пискент тумани “Култепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Комиссия раиси ўринбосари: Атакулов Бекзод Машрапович – Пискент тумани “Атакулов Машрап” фермер ҳўжалиғи раҳбари

Комиссия котиби: Тўйчиев Улуғбек Чинпўлатович – Пискент тумани кўрсатиш ва технология касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

Комиссия аъзолари: Тошматова Нигора Анорбоевна – Пискент тумани А. Дўстбеков қишлоқ фуқаролар йиғини бош шифокори

Юсупова Гавҳар Ҳайитбековна – Пискент маънавий-маърифий ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Шерматов Эргаш Маннопович – Пискент тумани Келовчи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

Гафурова Гулҳебра Эргамуловна – Пискент қурилиш ва миллий хунардандчилик касб-хунар коллежининг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари

Иманкулов Абдумажит Абдусатторович – Пискент тумани Дўнгқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

Умаров Музаффар Эргашевич – Пискент тумани “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Округ сайлов комиссиясининг маънавий-маърифий тарбия бўлими бўлиши

Округ сайлов комиссиясининг маънавий-маърифий тарбия бўлими бўлиши

Вилот сайлов комиссияси раиси

Тошкент шаҳри, 2016 йил 21 декабрь.

У. АБДУШОХИДОВ

## Эҳтиром

Воҳидовни ғўзаллик васфи учун яралган шоир, тиниқ туйғулар шоири, дегим келди.

Эркин ака қайси жанрга қўл урмасин, неки битмасин барчасини ўрнига қўйган, ижодий мактаб яратган устоз. Илк шеърлариданоқ адабиётимизнинг улғў даргалари Ойбек, Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор назарига тушган, Миртемир домла ардоғида юрган назаркарда шоир.

## «ЭРКИН ВАТАН ЁШИ МЕНИНГ ЁШИМ ҲИСОБИДИР...»



га эли кўрсатган буюк иззату иқромнинг юксак ифодаси эканлигига ғувоҳ бўлганман. Кексаларнинг дуоси, ёшларнинг ҳайрати, шоирнинг қўлини олиш орзуси – барча-барчаси аслида машаққатли меҳнатнинг меvasи. Элининг ана шундай улғў ижодкори бил-

Шу боис, нафақат миллатимизнинг олиму фузаллари, замондош ҳамкасблари, балки ҳаҳон адабиётининг бир қатор атоқли намояндалари ҳам Эркин Воҳидов ижодида ҳайрату ҳавас ва катта муҳаббат билан баҳо берганлар. Бу ҳавас, бу баҳо, бу ҳайрат бардавомлигига шубҳа йўқ. Зеро, сўзимиз аввалида айтганимиздек, сўз дури ўзгача дур. Сўз дури кўнгиллар тубини чи-роғлантиради, ақлни нурлантиради. Устоз Эркин Воҳидов инсон сифатида дарёдил, меҳрли, оқилбати. Эркин акада шоғирдлар ўрганадиган беқўёс сифатлар бисёр.

Менинг бу битикларим устознинг шу меҳру муҳаббатидан кўп бор баҳраманд бўлган, суҳбатларидан нур олган шоғирднинг қалб изҳори. Эркин ака билан қайси ҳолатда, қайси даврада ҳамсухбат, ҳамфикр, ҳамроҳ бўлишимдан қатъи назар, мени ҳамиша у кишининг камтарлиғи, камсуқумлиғи ҳайратга солган. Буюк ижодкор сифатида эл назари, обрў, шон-шараф, эъзозу эътирофга сазовор бўлган инсоннинг бу даражада оддий ва самимий бўлиши Яратганнын хуш кўрган бандасига ато этган инояти бўлса ажабмас.

Оқил устоз – шоғирд наздида нураман тоғ, сўлиш билмас бoғ, мавж сафоли дарё. Бу улғулик шоғирднинг тоғи ташна қилади. Шу боис, устозга доим талпиниб яшайди. Ҳаёлда суҳбат қуриб ҳам баҳра олади. Ана шу баҳрамандлик менга кўп бор насиб қилганидан бахтиёрман.

Албатта, инсон учун ота-она,

лан замондош, ҳамнафас, ҳамфикр, устоз-шоғирд мактабига юриш – ҳар қандай инсон ҳавас қилса арзигулик мартабадир.

Устознинг ана бир таҳсинига сазовор жиҳати – ҳамиша шоғирдлар, ёшлар ижодида эътибор билан қарашларидир. Шу маънода янги достонларимни ўқиб билдирган фикрлари, сайланмага ёзган сўзбошлари, эл ичра айтган яхши истаклари, ижод уйларидаги суҳбатлар асосида олган сабоқларимиз – барча-барчаси учун устоз меҳри олдида қарздоримиз. Бу ўринда мен нафақат ўзимни, ўнлаб шоғирдларнинг дил изҳорларини баён этаётган десам, хато қилмайман.

Устоз Эркин Воҳидов қанчалар бетоблик исканжасида қолган бўлишига қарамай, биз, шоғирдлар устознинг 80 йиллик тантаналарини ўзлари шоҳидлиғида ўтказишни, бу кўтлуг кўнлар ўзларига насиб этишини Яратгандан илтижо қилиб сўрадик. Афсуски... орадаги олти ой армон ойларига айланди. Бугун устоз ҳисман орамизда йўқ, аммо ҳар биримизнинг қалбимизда, улғўвор, ҳикматгўй шеърляти, ўлмас асарлари халқимиз тилида, дилида барҳаёт. Миллат яшар экан бу муҳаббат, бу эҳтиром заррача сўнмагй. Чунки, миллат улғулари ўз халқи, ўз Ватани билан бирга яшайдилар. Устоз айтмоқчи:

Ешинг неча деб сўрмангиз,  
Ерону ахли дил,  
Эркин Ватан ёши менинг  
Ешим ҳисобидир.

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири.

## ШЕЪРЛАРИДА ЮРТ МАДҲИ

Олмаликдаги 11-умумтаълим мактабига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлиғида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиғига бағишланган тадбир ўтказилди.

Иштирокчилар ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган атоқли шоир ва адиб, таниқли давлат ва жамоат арбоби Эркин Воҳидов ижодий меросининг ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги му-

ҳим аҳамиятини, унинг шеърляти ва адабиётимизда ўзига хос ўчмас из қолдирганини алоҳида таъкидлашди.

Бадий кечада Эркин Воҳидов ижодидан намуналар, Ватан, дўстлик ва муҳаббатни тараннум этувчи шеърлар ўқилди.

Зулайхо ЧўЛПОНОВА.

Прокуратура тизимини ислох қилишнинг навбатдаги босқичи прокуратура органлари фаолиятини белгилаб бериш ҳукукий асослар тақомиллаштирилиши, уларнинг ҳукукий мақоми ва ваколатларига бир қатор ўзгаришлар киритилиши билан боғлиқ ҳолда кечди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни ҳимоясини янги босқичга кўтарди.

2001 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ана шу мақсад сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Қонунга мувофиқ прокурорлик назорати тизимига ҳам жиҳдий ўзгаришлар киритилди. Фуқароларнинг қўнуларига риоя этишлари устидан назорат функциясининг прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилиши билан одамлар онгидати прокуратура қораловчи

идора” деган тушунчага барҳам берилди. Прокуратура том маънода фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, қонуннинг талабларини ҳимоя қиладиган органга айланди. Яна бир эътиборга молик жиҳат шун-

даки, қонунга прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга қаратилган янги нормалар ҳам киритилди. Унга кўра, прокурорлар фаолиятига фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларни, ҳимоят ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш қай даражада таъминланганига қараб баҳо бериладиган бўлди.

Тарихан қисқа давр ичида қонун берган ваколатлардан фойдаланиб, прокуратура органлари юрти-мизда қонун устуворлиги-

Вилотимиз шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиғига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

## ПОК ТУЙГУЛАР КУЙЧИСИ

Бўха туманидаги 14-умумтаълим мактабига “Эркин Воҳидов ижодида Ватан талқини” мавзусида ўтказилган тадбирда тумандаги умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича масъул ходимлари, тил ва адабиёт фани ўқитувчилари, педагоглар жамоаси ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда шоирнинг ибратли ҳаёт йўли, сер-

мазмун ижоди, хусусан, шеърларининг ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида маънавий-маърифий баркамол қилиб тарбиялашдаги ўрни ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Тадбир ёш ижодкорларнинг “Эркин Воҳидов шеърлари билимдони” мушоярасига улашиб кетди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

ридан бири сифатида белгилаб қўйилган – ўтган йиллар давомида прокуратура ходимлари қонунчилик тарғиботида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

Албатта, соҳа ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳам қатор ҳукукий ҳужжатларимизда ўз аксини топган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари қонунчилик тарғиботидаги ўрни ҳақида таъминланганига қараб баҳо бериладиган бўлди.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда ҳимоятда ҳукукий маданиятни юксалтириш ҳамда қонун ижодкорлиғи фаолиятида иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналиш-

Дилшод ИСМОИЛОВ,  
вилот прокурорининг  
катта ёрдамчиси.

Бошланғич 1-бетда.



## □ Тadbир

Зангиота озиқ-овқат касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуг" мавзусида маънавий-маърифий тadbир ўтказди.

## МУЛОҚОТ ВА МАНФААТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гурӯҳи аъзолари, кенг жамоатчилик, ўқувчи-ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тadbирдан мақсад – юртимизда амалга ошириладиган демократик ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гурӯҳларининг фаол иштирокини таъминлаш, 2017 йилнинг юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинишининг аҳамияти ва ундан

қўзланган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ тарғиб қилишдир. – Мақсадимиз жойларда аҳолининг сўровларида кўтарилган энг зарур масалаларни ҳал этишдир. Айниқса, ёшлар учун ўз мустақил фаолиятини тўғри йўлга қўйишида бундай учрашувларнинг аҳамияти катта, – дейди Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалар бўлими бошлиғи Фуркатжон Исроилов. Йилнинг ўтган даврида партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари

қошидаги 18 та "Жамоатчилик қабулхонаси"га фуқаролардан 935 та муурожаат тушди. Уларнинг 71,6 фоизи ижобий ҳал этилди. Баҳс-мунозара тарзида ташкил этилган тadbирда халқ билан изчил мулоқот олиб бориш мавжуд камчиликларга ечим топиш билан бирга юзага келиши мумкин бўлган жиддий муаммоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Аҳолини ўйлантираётган муаммолар ечимини топишга қаратилган аниқ тақдир ва тавсиялар берилди.

Абдулазиз МУСАЕВ.

## КРЕДИТ ТАЪМИНОТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик бугунги кунда иқтисодиётимизнинг асосий бўғинларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тadbиркорлар учун яратилган қулайликлар самараси ўлароқ, соҳа кескин ривожланиб бормоқда. Бун жараёнда юртимизда фаолият олиб бораётган банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўрни бекиёс.

## □ Хабарингиз борми?

Кредит операциялари тижорат банклари фаолиятида муҳим ўрин тутди. Банк юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг омонатга жалб этилган маблағлари, ўз маблағлари ҳамда ташкил этилган мақсадли давлат маблағлари ҳисобига жисмоний ва юридик шахсларга берилган кредитлардан фойз олиб, тижорат фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг, Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 декабрдаги "Кичик тadbиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмининг такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарори ва бошқа қонунности ҳужжатлар тижорат банклари томонидан ҳўжалик юритувчи ҳамда тadbиркорлик субъектла-

рини кредитлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Кредит муносабатларини амалга оширишнинг асосий ҳуқуқий шакли кредит шартномасидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддасига мувофиқ, кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тараф – қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фойзалар тўлаш мажбуриятини олади.

Кредит шартномасининг таркибига киритилган гаров мажбурияти, агар қонун ҳужжатларида бундай шартномалар назарда тутилган бўлса, тегишли мол-мулк гарови шартномаси белги-

ланган тартибда рўйхатга олиниши керак.

"Гаров тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши лозим.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Кредит шартномалари таъминотининг турларидан яна бири, бу – кафолатдир.

Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципалнинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга бир томонлама ёзма мажбурият беради. Кафолат бўйича фақатгина банк, бошқа кредит муассасаси, суғурта ташкилоти кафил бевури бўла олади.

М. РАДЖАПОВА,

Бош прокуратура қошидаги Олий ўқув курсларининг катта ўқитувчиси, адлия маслаҳатчиси,  
Н. МИРАҲМЕДОВА,

Олий ўқув курсларининг ўқитувчиси, 1-даражали юрист.

## ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Бекобод шаҳридаги 14-Болалар мусиқа ва санъат мактабида "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остида ёшларнинг санъат ва спорт фестивали бўлиб ўтди.

## □ Фестиваль

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенга-

шининг "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар

қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда "Ўзбекистон металлургия

ПОВОНЛАРИМИЗ  
ҒАЛАБАГА ИНТИЛАДИ

Зангиота туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида эркин ва юнон-рум кураши бўйича 2003-2005 йилларда тутилган ўсмирлар ўртасида Дилшод Мансуров соврин учун бешинчи халқаро турнир бўлиб ўтди.

## □ Кураш

Мамлакатимиз ҳамда қўшни давлатлардан келган 26 килограммдан 66 килограммгача вазн тоифасида ёш спортчилар маҳоратларини синовдан ўтказишди. Вилотимизнинг Абдуллох Омонов, Зайниддин Фазлиддинов, Отабек Раҳимов, Сардор Ўринбоев, Анвар Мадиёров, Алихон Иброҳимов, Сардор Хаитбоев, Библиддин Усмонов каби ўндан зиёд умидли спортчилари ғалаба қозониб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдилар. Якунда ғолибларга ҳоимларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Абъанавий тарзда ўтказилаётган ушбу мусобақа келгусида бунданга қўллаб-қувватлаш бўлиб келгусида иккитори ёшларнинг кашф этиш билан бирга янги мусобақалар олдиндан тайёргарлик вазифасини ўтади.

Лазиз ИСОҚОВ.

## □ Мутахассис маслаҳати

Дехқонларнинг мўл ҳосили эл дастурхонининг тўкин бўлишини таъминлайди. Шу сабабдан экинни парваришлаш, ҳосилини нест-нобуд қилмасдан йиғиб олишга катта аҳамият қаратиш зарур. Аммо, турли зарарқундаларга безтабдорлик қутилмаган талафотларга олиб келади. Ана шундай зарарқундалардан бири – комсток куртидир.

## АВВАЛ «ЎЧОҒИ»НИ ҚУРИТИНГ...

Асл ватани Япония бўлган комсток курти Қозоғистон, Тожикистон, Грузия, Хитой, Тайван, Хиндистон, Янги Зеландия, Корея, АҚШ, Канада, Англия, Россия, Украина, Молдавия ва Ўзбекистонда тарқалган бўлиб, турли мамлакатларда муайян экинларга, хусусан, Ўзбекистонда тут, анор ва беҳи дарахтларига катта зарар етказиши.

Бу зарарқундан дарахт танаси, шох ва баргларида тўда-тўда бўлиб жойлашиб, ширасини сўриб, дармонини қуритади ва заифлаштиради. Кучли зарарланган дарахтларда шишлар пайдо бўлади. Ёш новдалар қуриб, барглари тўкилади.

Комсток курти тутларга, айниқса, қаттиқ ёпишиб, барглари сифатини бузади ва ипак курти озқусини яроқсиз ҳолга келтиради. Натижада, пилла ҳосили ҳам камайдиди. Мевали дарахтларда асосан гулқоса ва мева бандлари атрофидан тўпланади.

Мазкур зарарқундан курт ўчоқларини топиш, тарқалиш чегарасини белгилаш учун истироҳат боғлари, бозорлар, темир йўл станциялари, аэропорт ва бошқа ҳар бир яшил ҳўжаликларни доимий назоратга олиш, ўсимлик қисмларидан намуналар олиб, лаборатория экспертизасидан ўтказиб бориш зарур. Аниқланган ўчоқларда агротехник, биологик ва кимёвий кураш чораларини қўллаш лозим.

Агротехник кураш чоралари, асосан, бегона ўтларни вегетация мавсумининг бошидан охиригача йўқотиб туриш, кузги-кишкй даврда гумон қилинган дарахт бачкаларини, илдиш бўйин атрофларини олиб ташлашдан иборат. Комсток курти тушган дарахт таналари қуриган пўстлоқ тангачаларидан тозаланиши ва чиқинди дарҳол ёқиб юборилиши лозим.

Баҳром ЮСУПОВ,  
Тошкент шаҳар давлат карантин инспекцияси инспектори.

## □ Эшитмадим, деманглар!

## АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАР УЧУН ЯНГИ НАРХЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида"ги қарорига (23.12.2009 йил 327-сон) асосан, алкогольли маҳсулотларни конюнқий ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада қулайтириш мақсадида 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб алкогольли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар жорий этилган эди.

Мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ, алкогольли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 29 ноябрдаги "Ал-

коголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида"ги 89, 2016-36-сон қарори қабул қилинди ва Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 1 декабрда 2845-сон билан рўйхатга олинди.

Ушбу қарор 2017 йилнинг 1 январидан қучга қиради ва унга мувофиқ алкогольли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қўйидаги миқдорларда белгиланди:

| Реализация қилинадиган товар номи                                             | Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархлари | Энг кам чакана нархлар |
|-------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------|------------------------|
| Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида                                 | 5400                                                          | 6500                   |
| Қоньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида                               | 17200                                                         | 20600                  |
| Арак ва бошқа алкогольли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида | 12900                                                         | 15500                  |

Бунда, ҳар бир сизимдаги алкогольли маҳсулотларни энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлари

1 литр тайёр маҳсулот учун белгиланган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлардан келиб чиққан

ҳолда мутаносиб равишда тўғри белгиланиши лозим.

Масалан:

| Реализация қилинадиган товар номи   | Реализация қилинадиган қилинадиган сизими (лтрда) | Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархлари (сўмда) | Чакана савдо корхоналарининг энг кам чакана сотиш нархлари (сўмда) |
|-------------------------------------|---------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------|
| Вино                                | 0,25                                              | 1350                                                                  | 1625                                                               |
| Вино                                | 0,5                                               | 2700                                                                  | 3250                                                               |
| Вино                                | 0,7                                               | 3780                                                                  | 4550                                                               |
| Қоньяк                              | 0,25                                              | 4300                                                                  | 5150                                                               |
| Қоньяк                              | 0,5                                               | 8600                                                                  | 10300                                                              |
| Қоньяк                              | 0,7                                               | 12040                                                                 | 14470                                                              |
| Арак ва бошқа алкогольли ичимликлар | 0,25                                              | 3225                                                                  | 3875                                                               |
| Арак ва бошқа алкогольли ичимликлар | 0,5                                               | 6450                                                                  | 7750                                                               |
| Арак ва бошқа алкогольли ичимликлар | 0,7                                               | 9030                                                                  | 10850                                                              |

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб алкогольли маҳсулотлар юқоридаги қарорда бел-

гиланган энг кам нархлардан паст нархларда сотилиши мумкин эмас. Бунда, 2017

йилнинг 1 январь ҳолатига ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ҳамда чакана сав-

до корхоналаридаги алкогольли маҳсулотларнинг қолдиқлари ҳам 2017 йилнинг 1 январидан қучга қирадиган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлардан паст бўлмаган нархларда сотилиши лозим.

Алкоголли маҳсулотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлардан паст нархларда сотилган қийматнинг 20 фоизи миқдоридан, бироқ белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 200 баравари миқдоридан, жарима қўлланилганда кейин бир йил мобайнида айнан ўша қоидабузиш тажжоран аниқланганда – алкогольли маҳсулотларни (пиводан ташқари) ишлаб чиқарган корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархларидан паст нархларда сотилган қийматнинг 50 фоизи миқдоридан, бироқ белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 300 баравари миқдоридан, Ушбу жарима суммаларини аниқлашда сотилган алкогольли маҳсулотлар (пиводан ташқари) қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархи бўйича ҳисоблаб чиқилади.

## Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган "Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгиланган ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 49-бандига кўра, алкогольли маҳсулотлар (пиводан ташқари) қонун ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархларидан паст нархларда сотилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, алкогольли маҳсулотларни

(пиводан ташқари) тайёрловчи корхонага нисбатан қуйидагича жарима қўлланилади:

алкоголли маҳсулотларни (пиводан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархларидан паст нархларда сотилган қийматнинг 20 фоизи миқдоридан, бироқ белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 200 баравари миқдоридан, жарима қўлланилганда кейин бир йил мобайнида айнан ўша қоидабузиш тажжоран аниқланганда – алкогольли маҳсулотларни (пиводан ташқари) ишлаб чиқарган корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархларидан паст нархларда сотилган қийматнинг 50 фоизи миқдоридан, бироқ белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 300 баравари миқдоридан, Ушбу жарима суммаларини аниқлашда сотилган алкогольли маҳсулотлар (пиводан ташқари) қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархи бўйича ҳисоблаб чиқилади.

2. Чакана савдода алкогольли маҳсулотлар қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархлардан паст нархларда сотилган ҳоллари аниқланганда, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605 сон "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари бузилганлиги учун юридик шахсларга алкогольли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима солинади ҳамда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жағобгарликка тортилади.

Шу муносабат билан, юқоридаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариш мақсадида алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ушбу маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи корхоналар раҳбарларига 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига (реализация тугаганидан кейин) тайёр маҳсулотларнинг қолдиқлари ва нархларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ҳамда 2017 йилнинг 1 январидан белгиланган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлардан кам бўлмаган нархларда сотилишини таъминлаш тавсия этилади.

Зафар УБАЙДУЛЛАЕВ,  
вилот молия бошқармаси молия инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи бош иқтисодчи.

шижоатли йигит-қизларини янада фаол ва ташаббускор бўлишга қорлаш баробарида ўз истеъдодларини тўла намоён этишларида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шаҳарнинг иқтидорли ёшлари ижросидаги куй-қўшиқлар, "Ёшлик" спорт мажмуасининг бадий гимнастика ва таэквондо клуби иштирокчиларининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль якунида санъат ва спортнинг ўндан ортиқ йўналишида ғолиб деб топилган ўқувчиларга партиянинг вилоят кенгаши ва ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз,  
Мансур НАХАЛОВ  
олган сурат.

## Эълон

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилири бўлими томонидан: 2016 йил 12 апрелдаги 1-1879/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Алимкент кўчаси, 5-уй манзилидаги "Хамкорбанк" Автосозлар филиали биносида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 41 250 000 сўм, 2012 йилда и/ч., дав/рак.: 10М725LA бўлган, "ГБА СНГ DAEWOO LABO" русумли техник носоз автотранспорт воситаси тақроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 11 январь куни соат 11.00 да ўтказилади.

II. Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, Чиноз тумани ИИБ ЙХХБ манзили бўйича сақланаётган, 2015 йил 16 ноябрдаги ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 3 643 582 сўм, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 11Б5243 бўлган, "УАЗ 469В" русумли техник носоз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

III. Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан хатланган, Қибрай тумани "Гулноза Барака" МЧЖда сақланаётган, 1. 2010 йил 17 майдаги 4697-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 5 032 449 сўм, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: Х1100СА бўлган, "Камаз-5511" русумли; 2. 2016 йил 18 январдаги 1101-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 1 434 478 сўм, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10А150НА бўлган, "ГАЗ-24" русумли; 3. 2013 йил 3 июлдаги 12426-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 870 166 сўм, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10Т410АА бўлган, "Москвич-412" русумли; 4. 2012 йил 26 апрелдаги 5782-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 695 900 сўм, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01К336ЕА бўлган, "Доган" русумли; 5. 3325-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 3 130 326 сўм, 1960 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 11S8299 бўлган, "Волга М-21" русумли; 6. 2013 йил 22 декабрдаги 32021-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 3 139 676 сўм, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01Х195МА бўлган, "ВАЗ-2106" русумли техник носоз автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

IV. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган, "Насоф" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2016 йил 3 октябрдаги 12719/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси - 17 731 639.61 сўм, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10М214ДА бўлган, "ГБА СПГ Нексия" русумли техник носоз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 27 январь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилишнинг охири муддати: 2017 йил 11 январь куни ўтказиладиган савдоларга 10 январь 16.00 гача, 27 январь куни ўтказиладиган савдога эса 25 январь 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан талабгорлар тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800900603278001, ФОП 011011, ИНН 303877274. Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 16-А уй. Тел.: (0371) 239-29-40. www.avtomegatrade.uz. Гувоҳнома № 009293.



Реклама ўрнида

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Ўзбекистон аҳлини

Янги йил билан қутлайди.

Кириб келаётган

2017 йил – Халқ билан

МУЛОКОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ

йилида эзгу мақсадларимиз

тўла рўёбга чиқиб,

халқимиз фаровонлиги

янада юксалишига тилакдошмиз!

# «ЎЗБЕККУМИР» АЖ

бирлашган касаба  
уюшмаси қўмитаси

тизимда меҳнат қилаётган  
ишчи-хизматчиларимизни,  
юртимизда яшаётган  
барча меҳнаткашларни  
кириб келаётган

Янги – 2017 йил

билан самимий табриклайди!

# ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ

юртдошларимизни кириб келаётган

Янги йил билан табриклайди.

Халқ билан мулоқот ва

инсон манфаатлари йили

барчага бахт, омад ҳамда

қувонч олиб келсин!

# ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЗАНГИОТА ТУМАНИ КЕНГАШИ

тармоқ ходимлари ва ҳамюртларимизни

Янги – 2017 йил

билан табриклайди.

Азизлар! Хонадонингиздан тинчлик,  
осойишталик, тўкин-сочинлик,  
бахт-саодат аримасин!

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлигиБош муҳаррир  
вазифасини бажарувчиҒайрат  
ШЕРАЛИЕВ

Маъзилиямиз:

100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.Электрон почта:  
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва

мухбирлар:

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,  
233-58-85 (факс).

233-38-23, 233-48-08.

233-81-21, 233-65-59.

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2011 йил  
12 январда 03-001 рақами билан  
руйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Холмурод САЛИМОВ

Назоратчи мусахҳиҳ

Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ